

А Ж Р И М

(Иш юритишни тугатиш тўғрисида)

Самарқанд шаҳар

2023 йил 25 апрель

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси Р.М.Бегимов раислигида, судья ёрдамчиси М.Ҳамрақуловнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар [REDACTED]нинг жавобгар [REDACTED]га нисбатан киритган даъво аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни, Самарқанд шаҳар, [REDACTED] худудидаги “Маънавият ва маърифат маркази” биносида, очиқ сайёр суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар вакиллари А.Раббимқулов (ишончнома асосида), М.Исаков (ишончнома асосида), жавобгар [REDACTED] раиси А.Ахроров ва учинчи шахс Самарқанд шаҳар ҳокимлиги вакили Б.Тойиров (ишончнома асосида)лар иштирокида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни -

А Н И Қ Л А Д И :

Самарқанд шаҳар иқтисодий судига даъвогар [REDACTED] даъво ариза билан мурожаат қилиб, Самарқанд шаҳар [REDACTED] томонидан маҳалла худудидаги Муқумий кўчасида 5,75 x 9,50 метр ўлчамдаги 54,62 кв.м.да бўлган ер майдонида ваколатли давлат органларидан қуриш учун зарур рухсатнома олинмасдан, ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда маҳалла аҳолиси учун ёрдамчи бино қурилганлиги, огоҳлантириш хатлари берилган бўлсада жавобгар бугунги кунга қадар ушбу қурилмани ўз ҳисобидан бузиб олмаганлигини баён қилиб, жавобгар [REDACTED] томонидан маҳалла худудидаги ноқонуний равишда эгаллаб олинган 5,75 x 9,50 метр ўлчамдаги 54,62 кв.м.да бўлган ер майдонида маҳалла аҳолиси учун қурилган ёрдамчи бинони бузиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 27 мартдаги ажрими билан низонинг предметига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги жалб қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили А.Раббимқулов судга кўргазма бериб, даъво талабини қувватлаб, суддан даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили М.Исаков судга кўргазма бериб, даъво талабини қувватлаб, Самарқанд шаҳар, “Хўжа Ахрор Вали” кўчасида қурилган “Маънавият ва маърифат маркази” бўйича низо қурилиш жараёнида фуқаро Ж.Асадовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишончли телефонига қилинган мурожаати асосида ўрганиш натижасида келиб чиққанлигини, мазкур низоли бинонинг қурилиши ноқонунийлиги аниқлангандан сўнг, МФЙга огоҳлантириш хати юборилганлигини, маҳалла раиси А.Ахроров буйруғи чиқмаганлиги сабабли огоҳлантириш хатини олмаганлигини, шундан сўнг почта орқали юборилганлигини, низоли бино эгаллаб турган ер майдони шаҳар ҳокимлиги захирасидаги ер эканлигини, бино айнан ким томонидан қурилганлигини аниқлаб бўлмаганлигини, [REDACTED] томонидан мазкур бинони маҳалла номига “Маънавият ва маърифат маркази” сифатида расмийлаштириб бериш сўралганлигига асосланиб МФЙ томонидан қурилган деб ҳисобланганлигини билдириб, суддан даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар [REDACTED] раиси А.Ахроров даъво талабига ўз эътирозларини билдириб, қурилиш амалга ошириляётган жой аввалдан маҳаллага тегишли ер бўлганлигини, у ер маҳалла аҳолисининг чойхонаси бўлганлигини,



кейинчалик турли мақсадларда фойдаланилганлигини, маҳалла фуқароларнинг ўзлари ташаббуси ва маблағи эвазига ушбу “Маънавият ва маърифат маркази”ни ҳашар йўли билан қурганлигини, маҳалла аҳолиси ўзлари қурганлигини тасдиқловчи билдиришнома ёзиб берганлигини, ушбу билдиришнома судга тақдим этилганлигини, ҳақиқатдан ҳам бинони қуришдан олдин ваколатли давлат органларидан тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилмаганлигини, чунки бунинг ўша пайтда имкони бўлмаганлигини, кейинчалик ушбу бинони маҳаллага бириктириб бериш бўйича мурожаатлар қилинганлигини, бироқ бугунга қадар раймийлаштириб бўлмаётганлигини маълум қилиб, суддан маҳалла ва унда истиқомат қилувчи фуқароларнинг манфаатини эътиборга олган ҳолда ишни қонуний ҳал этишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган учинчи шахс Самарқанд шаҳар ҳокимлиги вакили Б.Тойиров судга кўргазма бериб, Кадастр агентлигининг Самарқанд шlahар бўлими томонидан берилган маълумотга кўра, низоли бино эгаллаб турган ер майдони Самарқанд шаҳар ҳокимлиги захирасидаги ер эканлигини билдириб, низони қонуний ҳал этишни судга ҳавола қилди.

Суд, суд муҳокамаси иштирокчиларининг кўргазмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра мазкур иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, фуқаро Ж.Асадовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишончли телефониға қилинган мурожаати асосида 2022 йил 25 май куни Кадастр агентлигининг Самарқанд шаҳар бўлими инспекторлари Ш.Талимов, Э.Жаҳонгиров томонидан ер қонунчилигига риоя этилиши юзасидан Самарқанд шаҳар [REDACTED] худудида мониторинг ўтказилганда, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан Муқумий кўчасида 5,75 x 9,50 метр ўлчамдаги 54,62 кв.м.да бўлган ер майдонида ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда маҳалла аҳолиси учун ёрдамчи бино қурилиш ишларини амалга ошираётганлиги аниқланган. Ушбу кун маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Ахроров иштирокида далолатнома расмийлаштирилиб, унга ўн беш кун муддатда ноқонуний қурилган бинони ўз ҳисобидан бузиб олиш кўрсатмаси берилган.

Бироқ, Кадастр агентлигининг Самарқанд шаҳар бўлими инспекторлари Ш.Талимов, Э.Жаҳонгиров ва профилактика инспектори томонидан ўтказилган мониторингда Самарқанд шаҳар [REDACTED] худудида қурилган “Маънавият ва маърифат маркази” айнан ким томонидан қурилганлиги тўлиқ ўрганилмаган ва аниқлик киритилмаган.

Жавобгар томонидан судга тақдим этилган Самарқанд шаҳар [REDACTED] фуқаролари номидан ёзилган билдиришномага кўра, Самарқанд шаҳар [REDACTED] худудида қурилган “Маънавият ва маърифат маркази” ушбу маҳалланинг фуқаролари С.Ж.Ҳамраев, И.М.Ҳамрақулов, Х.А.Ахмедов, Х.О.Муминов, С.Тошпулатов, И.Ҳамрақулов, Б.Ахроров, А.Убайдов, О.Тураев, Н.Қобилжонов, Б.Юсупов, А.Музаффаров, Д.Мақсудов, А.Аннақулов, Ф.Султонов, Ш.Давлетов, Х.Тоҳиров, Ф.Қличев, В.Усмонов, С.Қобилжонов, И.Султонов, Ж.Акмалов, М.Ражабов, З.Давлетов, М.Азимбоев, Ш.Султонов, А.Тураев, Ш.Имомназаров, А.Ахроров, А.Юсупов, И.Султонов, Ю.Хатамов, Э.Остоновлар ўз хоҳиши ва маблағлари ҳисобига қурилганлиги баён қилинган.

Даъвогар вакили томонидан судга тақдим этилган, Самарқанд вилоят ҳокимиға маҳалла раиси ва маҳалла фуқаролари томонидан берилган аризада ҳам Самарқанд шаҳар [REDACTED] худудида қурилган “Маънавият ва маърифат маркази” маҳалла аҳолиси томонидан ҳашар йўли билан қурилганлиги баён қилинган.

Шунингдек, даъвогар вакили томонидан судга тақдим этилган А.Ахроровнинг Самарқанд вилоят ҳокимиға мурожаатида ҳам, Самарқанд шаҳар [REDACTED] худудида қурилган “Маънавият ва маърифат маркази” МФЙ томонидан қурилганлиги билдирилмаган.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддаси биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган далилларни ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдида, агар ушбу Кодексда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суд мажлиси бошлангунига қадар ёки суд белгиланган муддат доирасида очиб бериши лозим, 72-моддасига кўра, қонунчиликка мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Бундай ҳолатда, суд Самарқанд шаҳар [REDACTED] ҳудудида 5,75 x 9,50 метр ўлчамдаги 54,62 кв.м.да бўлган ер майдонида қурилган “Маънавият ва маърифат маркази” МФЙ томонидан қурилмаган деб, ушбу маҳалланинг фуқаролари С.Ж.Ҳамраев, И.М.Ҳамрақулов, Х.А.Ахмедов, Х.О.Муминов, С.Тошпулатов, И.Ҳамрақулов, Б.Ахроров, А.Убайдов, О.Тураев, Н.Қобилжонов, Б.Юсупов, А.Музаффаров, Д.Мақсудов, А.Аннақулов, Ф.Султонов, Ш.Давлетов, Х.Тохиров, Ф.Қличев, В.Усмонов, С.Қобилжонов, И.Султонов, Ж.Акмалов, М.Ражабов, З.Давлетов, М.Азимбоев, Ш.Султонов, А.Тураев, Ш.Имомназаров, А.Ахроров, А.Юсупов, И.Султонов, Ю.Хатамов, Э.Остоновлар томонидан ҳашар йўли билан қурилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддаси, биринчи қисми, 1-бандига мувофиқ, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилади тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар иқтисодий судларга тааллуқлидир.

Юқоридаги нормага кўра, суд даъвогарнинг даъво талабини иқтисодий судларга тааллуқли эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддасининг биринчи қисми, 1-бандига кўра, иш судга тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасининг биринчи қисмида, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 115-моддаси биринчи қисмига кўра, давлат божи қонунчиликда белгиланган ҳолларда қайтарилиши лозим. Ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, давлат божи тўланган, лекин судга келиб тушмаган ёки ушбу суд қайтарган даъво аризалари (аризалар), апелляция ёки кассация шикоятлари бўйича ҳамда давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш назарда тутилган суд ҳужжатлари бўйича давлат божини қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғриси”ги Қонунининг 18-моддаси, биринчи қисми, 5-бандига кўра, агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда, тўланган давлат божи қайтарилиши керак.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд мазкур иш бўйича иш юритишни тугатишни, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, тарафлардан давлат божи ундирмасликни, жавобгар [REDACTED] томонидан кассация инстанцияси учун тўланган 1 500 000 сўм давлат божини қайтаришни, давлат божини қайтариш тўғрисида маълумотнома беришни, тарафлар томонидан тўланган почта ва ВК харажатларини тарафларнинг зиммасида қолдиришни лозим деб топди.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 25, 68, 110, 115, 118, 195-моддаларига асосланиб, суд -

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Даъвогар [REDACTED] нинг жавобгар [REDACTED] га нисбатан киритган даъво аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий иш бўйича иш юритиш тугатилсин.

Кассация инстанцияси учун тўланган 1 500 000 сўм давлат божи жавобгар Жавобгар [REDACTED] га қайтарилсин ва давлат божини қайтариш тўғрисида маълумотнома берилсин.

Тарафлар томонидан тўланган почта харажатлари ва ВК харажатлари тарафларнинг зиммасида қолдирилсин.

Мазкур ажримдан норози бўлган тарафлар бир ойлик муддатда Самарқанд шаҳар иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят иқтисодий судига апелляция тартибида шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Судья

Р.М.Бегимов

Ҳужжат имзоланган: Бегимов Руфат Мусурмонович, 25.05.2023

